



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### BUYRUG'I

20 21 yil "30" 04

№ 93

Toshkent sh.

#### **Коронавирус пандемияси даврида давлат бошқаруви органларининг барқарор фаолиятини таъминлаш тўғрисида**

Коронавирус пандемияси даврида давлат бошқаруви органларининг барқарор фаолиятини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 апрелдаги 07/1-281-ХДФУ-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Вазирлик, кўмита ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари соғлигини кунлик назорат қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 апрелдаги 07/1-281-ХДФУ-сонли хати билан COVID-19 инфекцияси, пневмония ва бошқа оғир касалликлар билан касалланган давлат бошқаруви органлари раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларнинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги штаби (71 244-10-40)га киритиладиган намунаси иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

бунда республика даражасидаги давлат бошқаруви органлари раҳбарлари бўйича маълумотлар тўғридан-тўғри, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари бўйича маълумотлар ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигининг штабига ҳар куни соат 11.00 га қадар киритиб борилиши инобатга олинсин.

3. Махсус ишчи гуруҳ:

вазирлик, кўмита ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши раислари ва уларнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва


вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари соғлиги тўғрисидаги маълумотларни жамлаган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига ҳар куни соат 14:00 га қадар киритиб борилишини;

олинган маълумотлар асосида уларга малакали стационар тиббий ёрдам ва заруратга қараб Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассислари ҳамда чет эллик мутахассислар консултациясини таъминласин.

Бунда, даволаш жараёнида беморларнинг ҳамроҳ касалликларига алоҳида эътибор қаратилсин ва соғломлаштириш ишлари мутахассислар тавсиясига биноан амалга оширилиши таъминлансин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

**Вазир**

A handwritten signature in blue ink, consisting of several vertical strokes followed by a series of loops and a long horizontal stroke extending to the right.

**А.Хаджибаев**

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг  
2021 йил 30 апрелдаги  
93 сонли буйруғига  
илова

**Вазирлик, қўмита ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари,  
уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи  
Кенгеси, Вазирлар Кенгаши раислари ва уларнинг ўринбосарлари,  
Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг  
ўринбосарлари соғлигини назорат қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш  
вазирлигида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳ таркиби**

Вазирнинг биринчи ўринбосари - А.Иноятов	ишчи гуруҳ раҳбари
ТХСНБ бошлиғи - Б. Игамбердиев	ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
ДПЁТББ бошлиғи - У.Рискиев	ишчи гуруҳ аъзоси
Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи - Ў.Исмаилов	ишчи гуруҳ аъзоси
ОваБМҚБ бошлиғи - М.Садиков	ишчи гуруҳ аъзоси